

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**167 Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкалари-  
ни беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғри-  
сида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил  
18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги 362-сон «Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сон буйруғи (рўйхат рақами 1523, 2005 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 358-модда) билан тасдиқланган Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. ТЕШАЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 29 март,  
24-сон

Ўзбекистон Республикаси  
қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2016 йил 29 мартдаги 24-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини  
беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида  
низомига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «танлов» деган сўз «очик танлов» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 5-банддаги «комиссия» деган сўз «ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-10-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Туман ҳокими ариза келиб тушган кунидан кўра туман фермерлари кенгашига юборади. Туман фермерлари кенгаши икки кун мобайнида аризаларни кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулоса чиқаради. Туман фермерлари кенгашининг хулосаси аризалар билан биргаликда ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияга юборилади. Агар комиссияга юборилган ариза ва ҳужжатларда камчиликлар аниқланган тақдирда, комиссия ариза берган шахсга комиссияга ариза келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асослантирилган ёзма хабар беради. Комиссия қотиби талабгорга танловда юқори балл олиши учун имкон берадиган барча ҳолатларни тушунтириб, лозим бўлганда унинг ҳужжатларидаги камчиликларни ишчи тартибда бартараф этиш чораларини кўради. Комиссия қотиби танловда иштирок этиш учун қатнашувчиларни танлаш кунигача талабгорнинг баҳоланадиган имкониятларини асослантирувчи ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим қилинишини, уларнинг тўғри расмийлаштирилишини таъминлашга кўмаклашиши лозим.

10. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказиши. Комиссиянинг қарори баённома билан расмийлаштирилади. Мазкур баённома барча ҳужжатлар, шу жумладан, туман фермерлари кенгашининг хулосаси билан биргаликда кўриб чиқиш учун халқ депутатлари туман Кенгашига юборилади.

Халқ депутатлари туман Кенгаши энг яқиндаги сессияда комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, ушбу қарор туман ҳокимига тақдим этилади.

Туман ҳокими халқ депутатлари туман Кенгашининг ижобий қарори асосида уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни тасдиқлаш учун вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига юборади. Бунда

туман ҳокимининг қарорига туман фермерлари кенгашининг хулосаси, ер майдонларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг қарори, шунингдек халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори илова қилинади.»

4. 38-банддаги «Ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия» деган сўзлар «Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермерлари Кенгаши билан келишилган.

*Иқтисодиёт вазири*

*Г. САИДОВА*

*2016 йил 25 март*

*Ўзбекистон фермерлари  
Кенгаши раиси*

*С. ТУРДИЕВ*

*2016 йил 25 март*